*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 8 апрель ● сешанба ● № 16 (575) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

**«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗИНИНГ ТАРМОҚ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ.**

***Вазирлик тизимидаги бошқарма ва муассасалар мазкур тармоқ дастури бўйича ўз йўналишларидан келиб чиқиб кенг қамровли фаолият олиб бормоқда.***

3

# МУСТАҚИЛЛИК МОҲИЯТИ

## ШАРҚ ДАРВОЗАСИ

**Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори барча ўзбекистонликлар кўнглида ғурур, қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.**



Қадим шарқ дарвозаси ҳисобланган, дунё цивилизациясининг равнақига улкан ҳисса қўшган азим Тошкент шаҳрининг нуфузи, салобати, бетакрор гўзаллиги, жаҳон аҳлига яхши маълум.

2007 йилнинг 2 ноябрида ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва бу тадбирда мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу эътироф гўзал пойтахтимизга нисбатан буюк эҳтиром намунасидир.

Тобора гуллаб-яшнаётган, тинчлик ва осойишталик оғушида чирой очаётган пойтахтимиз кўркига кўз тегмасин. Газетамизнинг кейинги сонларидан бошлаб шаҳримизнинг ўзига хос тарихга эга, бетимсол гўшалари ҳақида лавҳалар бериб боришни режалаштирдик.




## Эртага — буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

**Ислом КАРИМОВ:**

***Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.***

**"ҚОНУН-ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛДИМ..."**

*Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим.*

***

*Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам унга амал қилдим...*

***

*... Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим...*

***

*... Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин (қонун-қоида) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшаркім, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги — тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.*

**Темур тузукларидан**



***Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг.***

**Амир Темур**



*Хорижликлар ҳайрати*



**Б.АКРАМОВ олган суратлар**

## ЁШЛАР СИЁСАТИ

### ва унинг қонуний негизлари

**Қашқадарё вилоятида март ойи "ҳуқуқий маданият тарғиботи" ойлиги деб эълон қилинган эди.**

Шу муносабат билан воҳанинг чекка, олис қишлоқларида ёшлар иштирокида кўплаб тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтди. Қарши шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатининг қонуний негизлари ва ҳуқуқий кафолатлари" мавзуидаги давра суҳбати ҳам ана шу анжуманнинг узвий давоми бўлди.

Давра суҳбатини адлия бошқармаси бошлиғи Норқувват Янгибоев бошқарди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва давлатимизнинг бу борадаги сиёсати мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунтириш берилди.

**Ойдин АНОРОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири.**

## ТУШУНТИРИБ БОРИЛМОҚДА

**Президентимизнинг "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича жойларда кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилган бўлиб, аҳолига унинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтириб борилмоқда. Яқинда Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир ҳам ушбу Фармон тарғиботига қаратилди.**

Мазкур тадбирда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва ҳуқуқ-тартибот идораларидан вакиллар иштирок этишди. Ўтказилган тадбир бугунги кун талабига мос ва хослиги, муҳимлиги ҳамда баҳс-мунозарага бойлиги билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Зафар ОЛИМОВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими**

## САВДОНИНГ ЯНГИЧА ТАРТИБИ

**Шу йил 1 апрелдан эътиборан юртимизда ишлаб чиқарилган автомашиналарнинг жисмоний шахслар ўртасидаги савдоси ва шу юзасидан "Ишонч қоғози"ни нотариал тартибда гувоҳлантиришнинг янгича тартиби кучга кирди.**

Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан уюштирилган семинарда шартномавий ҳужжатларни расмийлаштириш, бу соҳада фуқароларга намунали хизмат кўрсатиш йўл-йўриқлари, тартиб-қоидалари атрофлича тушунтирилди. Асосий эътибор олди-сотди шартномалари ва ишонч ёрлиқларини тасдиқлашга оид янги тартиб-қоидаларнинг мазмун-моҳиятига қаратилди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТ

**Хатирчи тумани ФҲДЁ бўлимида оила ва никоҳ масалалари юзасидан ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш борасида ибратли ишлар қилиняпти.**

Ўтган йилда туман бўйича 1845 та никоҳ қайд этилди. ФҲДЁ бўлими қошида фаолият юритаётган "Оила дорилфунуни" ўқув курсида йил давомида 48 маротаба машғулотлар ўтказилиб, ёш оилалар учун турли мавзуларда маърузалар ташкил этилди.



**Суратда:** ФҲДЁ бўлими мудираси Манзура Қўлдошева иш жараёнида.

**Элдор НАМОЗОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

● Диққат, танлов!

## "КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ҲАЁТИМДА"

**"Ёшлар йили"** Давлат дастурини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан Адлия вазирлигида ҳам ишлаб чиқилган тармоқ Дастур асосида **"Инсон ва қонун"** ҳуқуқий газетаси томонидан ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида **"КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ҲАЁТИМДА"** мавзусида энг яхши мақола танлови ўтказилади.




**"Инсон ва қонун"** ҳуқуқий газетаси саҳифаларида мазкур рукнда содда, равон услубда, оммабоп тилда ихчам шакл (2-2,5 саҳифа)да тайёрланган энг яхши таҳлилий мақолалар муаллифлари таҳририятнинг пул ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Мамлакатимиз ўқув даргоҳларида билим олаётган ўсмир ёшларимиз мақолалари малакали ҳуқуқшунослар ҳамда тажрибали журналистлардан иборат танлов ҳайъати томонидан баҳоланади.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 16 йиллиги тантаналари арафасида — 2008 йилнинг 4 декабрь куни мукофотланади.

**Ғолиблар қуйидагича аниқланади:**

1-ўрин учун — 1 нафар;
2-ўрин учун — 2 нафар;
3-ўрин учун — 3 нафар ғолиб ўқувчи ва талаба ёшлар танлаб олинади.

**Азиз ўқувчилар ва талаба ёшлар!**

Конституциямиз мазмун-моҳияти зукколик билан ифодаланган мақолаларингизни кутамиз.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси, "КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ҲАЁТИМДА" танловига. Телефон: 233-84-50, факс: 233-65-99**
**e-mail: inson_va_qonun@ mail.ru**

## "Ишонч телефони"

### Ҳурматли тадбиркорлар!

Қонуний ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда ҳеч иккиланмай, Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги **"Ишонч телефон"**ига қўнғироқ қилинг. Адлия идораларининг тажрибали мутахассислари сизнинг қонуний манфаатингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**
(371) 008, 236-38-87, 233-47-68, 236-05-09

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги**
(361) 008, 223-81-03, 223-34-00

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси**
(371) 008, 262-92-42, 269-14-45

**Андижон вилояти адлия бошқармаси**
(374-2) 008, 24-42-31, 22-30-89

**Бухоро вилояти адлия бошқармаси**
(365-2) 008, 23-74-16, 23-21-20

**Жиззах вилояти адлия бошқармаси**
(372-2) 008, 26-35-81, 26-41-49

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси**
(375-2) 008, 23-01-64, 23-01-73

**Навоий вилояти адлия бошқармаси**
(436-2) 008, 23-80-47, 23-01-38

**Наманган вилояти адлия бошқармаси**
(369-2) 008, 26-51-93

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси**
(366-2) 008, 33-04-62

**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси**
(376-2) 008, 23-26-84

**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси**
(367-2) 008, 25-09-69, 25-41-19

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси**
(371) 008, 280-51-04, 280-50-96

**Фарғона вилояти адлия бошқармаси**
(373-2) 008, 24-15-49

**Хоразм вилояти адлия бошқармаси**
(362-22) 008, 6-86-47, 6-65-50

## Тизим тадбирлари

### АФЗАЛЛИКЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

**Пойтахтнинг Сирғали туманида назорат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинар-учрашув бўлиб ўтди.**

Шаҳар адлия бошқармасининг ходимлари учрашув иштирокчиларига Президентимизнинг тадбиркорликка оид Фармон ва қарорлари моҳияти, афзалликлари ҳамда жорий йилнинг 1 январидан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар беришди.

Шунингдек, солиқ ставкаларига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар, солиқ бўйича берилган имтиёзлар юзасидан қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

**Одинажон АЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими**

### ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаган фуқаролар учун катта имкониятлар яратди.**

Хўш, мазкур Қарор ижроси жойларда қандай таъминланмоқда?

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган семинар-кенгаш шу масалага бағишланди.

Улар қарорнинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида фикрлашиб олдилар.

**Шавкатжон ИСМОИЛОВ,**
**Наманган вилояти адлия бошқармаси ходими**

### ЯНГИ КОДЕКС АМАЛДА

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси, ИИБ ЙҲХБ ва солиқ бошқармаси ҳамкорлигида семинар ўтказилди.**

2008 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралдаги "Давлат банки ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган мазкур анжуманда янги Кодекснинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирилиб, нотариал идора ва ФҲДЁ органлари фаолиятига оид бир қанча ўзгаришлар адлия тизими ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширишни талаб этиши алоҳида уқтирилди.

**Гулсара ҲАЛИЛОВА,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими**

### ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

**Жиззах вилояти, Дўстлик тумани ФҲДЁ бўлимида вилоят адлия бошқармаси ходими Н.Донабоева иштирокида "Оила" марказининг иш фаолияти таҳлил қилинди.**

Шу билан бирга касалхона шифокорлари маънавият-маърифат маркази ходимлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, диний муассаса ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, аёлларнинг саводхонлигини ошириш, янги оила қураётган ёшларнинг тиббий кўрикдан ва қонуний рўйхатдан ўтиши, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчи сингари қатор мавзуларда давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Раъно ҲАКИМОВА,**
**Дўстлик тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

### ДАВРА СУҲБАТИ

**Бешариқдаги қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт коллежларида "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТС билан касалланишнинг олдини олишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Унда вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий маърифат тарғиботи ва ФҲДЁ бўлими етакчи маслаҳатчилари, туман соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари маъруза қилиб, ОИВ, ОИТС тушунчалари ҳамда уларнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот беришди.

**Фарруҳ АМАНОВ,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими**

### ҲУҚУҚ ВА БУРЧ ҲИМОЯСИ

**Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори ижросига бағишланган навбатдаги семинар-йиғилиш Навоий вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Конимех тумани ҳокимлигида ўтказилди.**

Тадбирда Қарорнинг мазмун-моҳиятини яна бир бор тарғиб қилиш билан бирга унинг жойлардаги ижроси юзасидан адлия бошқармаси вакилининг ахбороти тингланди. Шунингдек, семинарда тадбиркорлик субъектларига яратилган шарт-шароитлар, солиқ тўловларининг аҳамияти ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқ ва бурчларининг ҳимоясига бағишланган маърузалар тингланди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

### ҚОНУН МОҲИЯТИ

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда вилоят ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходимлари иштирокида семинар ўтказди.**

Унда тадбиркорлик субъектларига оид амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталинди. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги ва 2007 йил 27 апрелдаги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июндаги ва 2003 йил 20 августдаги қарорларини амалиётда тўғри қўлланилиши юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ва йўналишлар берилди.

**Иброҳим ТУРҒУНОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси ходими**

**Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини оширишни кўзда тутган бўлса, 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов интизомига риоя қилиш учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарзларни қисқартиришни таъминлаш мақсадида қабул қилинган эди.**

● Хорижий сармоя — иқтисодиёт таянчи

# МАҚСАД ХОЛИС БЎЛСА...

**Ҳар бир мамлакат ривожланишининг энг муҳим устуни унинг иқтисодиёти ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантиришда эса бир неча муҳим омиллардан фойдаланилади. Ҳар томонлама мақбул хорижий сармояни мамлакатга жалб қилиш — иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.**

Бу масалага жиддий эътиборда бўлган мамлакатимизда ҳам давлат раҳбари ташаббуси билан пухта ўйланган инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда. Бу борада барча ҳуқуқий асослар яратилиб, Ўзбекистон иқтисодиётига каттагина хориж инвестицияси жалб этилмоқда.

Ҳукумат йиғинлари бўладими, фаоллар билан учрашувдами мамлакат раҳбари бу масалага бот-бот мурожаат қилиб, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Белгиланган ана шу тўғри сиёсат ва аниқ вазифалар эвазига ҳозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳам фикримиз исботидир. Биргина 2007 йилда Ўзбекистонга салкам 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар жалб қилинди. Бу рақамлар ҳар биримизни мушоҳада юритишга ундаши лозим. Чунки, ана шу рақамнинг ортида минглаб янги корхоналар, янги иш ўринлари, ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар борлигини эслаш кифоя. Сўзимизнинг исботи сифатида яна бир рақамга мурожаат қилсак, мамлакатимиздаги мавжуд хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Бу кўрсаткичларни бундан ҳам юқори қилиш ўзимизнинг қўлимизда. Қачонки, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг тўла қувват билан ишлашига халақит бераётган айрим муаммоларга чек қўйсаккина.

Акс ҳолда ортиқча асаббузарликлар ва сансоларликлар бу борадаги ҳаракатларимизга тўсиқ бўлиши мумкин.

Рақамларга мурожаат қиламиз, биргина Тошкент шаҳрида ўтган 2007 йилда салкам 130 тага яқин хорижий сармоядорлардан ариза ва шикоятлар адлия идорасига келиб тушган. Табиийки, уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, 73 таси қаноатлантирилган. Республикамиз бўйича ўтган йили бундай мурожаатлар сони олти юздан зиёдни ташкил этиб, улардан 400 таси ўз тасдиғини топган. Энг муҳими инвесторларнинг бузилган ҳуқуқлари тўла тикланди.

Масалан, пойтахтимиздаги "Тасним" қўшма корхонаси мисолида оладиган бўлсак, мазкур корхонада Сирғали туман ДСИ ходимлари томонидан 2004-2007 йил давомида бўлган ер солиғининг ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан текширув ўтказилиб, 10 миллион сўмдан ошиқ ер солиғини қўшимча ҳисоблаш ҳақида далолатнома тузилган. Ушбу далолатнома асосида корхона ҳисоб рақамидан қўшимча ҳисобланган солиқ суммасини ундириш ҳақида инкассо ҳам қўйилган. Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг инкассо топшириқномаларини ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 25 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, тўлиқ қаноатлантирилган. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 2007 йил 25 сентябрдаги қарори билан Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

2007 йилнинг 27 декабрда Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорига кўра эса иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилинган ва иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган. Мана шу асослар мавжуд бўлишига қарамасдан Сирғали туман солиқ идораси қўшимча ҳисобланган солиқни ундириш ҳақида қўйган инкассо топшириқномалари ижросини тўхтатмаган. Шаҳар адлия идорасининг мавжуд хатокамчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларга такроран йўл қўймаслик тўғрисидаги 2008 йил 16 январдаги огоҳномасига асосан ушбу инкассо талабномаларининг ижроси вақтинчалик тўхтатилган. Демак, ҳали бу можаро давом этади.

Энг ачинарлиси эса, бузилган ушбу ҳуқуқларини тиклаш учун ойлаб, йиллаб вақт сарф қилинмоқда. Қолаверса, бу каби мурожаатлар фақатгина солиқ органларидан эмас, балки божхона ва банк идоралари қарорларидан норози бўлган хорижий сармоядорлардан ҳам келиб тушмоқда. Ачинарлиси уларнинг аксарияти ҳақиқатга яқин бўлиб чиқмоқда. Аммо, нега бу каби нохуш ҳолатлар ҳаётимизда ҳамон учраб турибди. Чунки, биз сиз билан аксарият ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқимизни яхши билмаймиз. Демак, бу масалани ечимининг топишда барчамиз масъуллигимизни ҳис қилишимиз, бир ёқадан бош чиқариб, мақсадларимиз муштараклигини таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишимиз даркор. Акс ҳолда лоқайдлик лоқайдликни туғдиради. Бундан ёмони йўқ.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

● Адлия ёрдам берди

# ЖАРИМА ҲАМ ЖАЗО...



Афсуски, айрим раҳбарлар муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлиги учун маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини унутиб қўйганга ўхшайди. Вилоят адлия бошқармасининг "Маъмурий жавобгарлик чоралари қўллаш юзасидан" чиқарган тақдимномасига асосан Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти, "Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси, "Навоийдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти, МТПлар бирлашмаси мансабдор шахсларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси, 3-қисми билан маъмурий жазо чоралари қўлланди.

Вилоят МТПлар бирлашмаси раиси З.Йўлдошев ва бош ҳисобчи Ҳ. Муродовларга Фармон талабларини бузиб,51511,0 АҚШ долларида муддати ўтган дебитор қарздорликни содир этганлиги учун, "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий АЖ раиси М.Ҳакимов ва бош ҳисобчиси Ў.Муродовлар 5437,0минг сўмлик, "Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Н.Ҳамроев, корхона бош ҳисобчи Н.Раҳматуллаевлар 34707,7 минг сўмлик, "Навоийдонмаҳсулотлари" АЖ раиси А.Пўлатов ва бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келган Ш. Тошевлар эса 3597,0минг сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги учун 186300 сўмлик жаримага тортилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ривожланишига асосий таъсир кўрсатувчи мазкур корхоналар раҳбарлари бундай чорадан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсалар фойдадан холи бўлмасди.

**Ўткир ТУРСУНОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

# ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ

## ҚОНУН АСОСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ЛОЗИМ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низоми бўйича ишлаб чиқилган режага асосан Андижон вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ҳар ойда туман ҳокимликлари ва унинг бўлимлари, корхона ва ташкилотлар томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга риоя этилиши ўрганиб чиқилмоқда.**

Масъул мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг аризаларини ўрганиш жараёнида ушбу Қонун талабларига зид равишда белгиланган муддатларни бузиш, мурожаат асосида қабул қилинган қарор моҳияти ҳақида фуқароларга ёзма шаклда жавоб бермаслик, мурожаатни холис ваколат доирасида кўриб чиқмаслик ҳолатлари учраб турибди. Бу каби ҳолатлар аниқланганда адлия бошқармаси ходимлари тўпланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда айбдор мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли суд ва прокуратура идораларига таклифлар бериб келмоқда.

Жумладан, жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг қарори билан Марҳамат тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси С.Сувонов, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи А.Худойбердиевлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан айбдор деб топилиб, жаримага тортилдилар.

Бундан ташқари, ўрганишлар даврида аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан киритилган тақдимномалар ва қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича киритилган ёзма кўрсатмаларга асосан ушбу қонунни бузган мансабдор шахсларга тегишли интизомий жазолар қўлланилмоқда.

Жумладан, 2007 йил 27 декабрь куни Андижон тумани ҳокими номига қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан ёзма кўрсатма киритилди. Натижада **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талабларини бузган мансабдор шахслар, яъни туман ҳокими ўринбосарлари Р.Юлдошев, Х.Зокиров, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Б.Мамадалиев, туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи О.Пазлиевларга нисбатан "Ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, мансабдор шахслар жавобгарликни тўлиқ ҳис қилган ҳолда фуқаролардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни масъул ходимлар томонидан кўриб чиқилиши ва белгиланган муддатларда жавоб берилишини доимий назоратга олсалар, юқоридаги салбий ҳолатларнинг олди олинади.

**Камолиддин АМАНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими**

● Қонун кўзгуси

# ИНСОН ТАҚДИРИ

## унга адолат тамойили асосида қаралмоқда



Маълумки, Президентимизнинг 2005 йилнинг 8 августида **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида мўлжалланган вазифаларни суд амалиётида қўллашни таъминлаш баробарида ҳокимият тармоғида суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судлов жараёнида тортишув тамойилини кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, мазкур Фармон ижроси билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу йўлда энг аввало, ҳуқуқий ислоҳотларнинг аҳамияти бўйича аҳоли орасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Аҳоли билан ўтказилган учрашувлар ва давра суҳбатлари натижаси шуни кўрсатдики, **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармон фуқаролар томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва у "Адолат йўлидаги яна бир янги қадам" дея эътироф этилди.

Санкция бериш жараёнида ўтказиладиган суд мажлисида гумонланувчи (айбланувчи) ва унинг ҳимоячиси, терговчи, прокурор, жабрланувчи ва унинг вакили иштирок этиб, ўз фикрларини билдирадилар, бу жараёнда жамоатчиликнинг иштироки реал таъминланади.

Айбланувчи шахсни қамоққа олиш муҳим ва масъулиятли иш. Муҳимлиги шундаки, бу жараёнда йўл қўйилган ҳар қандай хато нафақат айбланувчи, балки унинг оила аъзолари тақдирида ҳам нохуш из қолдириши мумкин.

Албатта, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар ихтиёрига ўтказилиши уларга қўшимча масъулият юклади, судларда иш ҳажми янада ортди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Жиноят содир қилганликда гумонланаётган ёки айбланган шахс ЖПКнинг 225-моддаси асосида ушланганидан сўнг 60 соатдан кечиктирмасдан судга, терговчи ёки прокурор томонидан қамоққа олишга санкция бериш тўғрисида илтимоснома киритилиб, иш ҳужжатлари тақдим этилиши лозим. Иш ҳужжатлари судга келиб тушган вақтдан бошлаб 12 соат ичида кўриб чиқилиши керак, агар терговчи ёки прокурор томонидан илтимоснома 60 соатдан кечиктириб олиб келинса, уларга нисбатан хусусий ажрим чиқариб, илтимоснома судья томонидан кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш тўғрисидаги илтимосномани судда кўриб чиқиш жараёнида судья ишнинг ҳолатини чуқур ўрганиб, тергов органи томонидан ушланган шахснинг жинояти қонунда белгиланган тартибда ўз исботини топганига аҳамият қаратиш зарур, ҳақиқатдан айбланувчи шахс жиноятга қўл урганига ишонч ҳосил қилиш, кейинги тергов ва суд босқичида унинг айби қанчалик тасдиқланиши мумкинлигини инобатга олиб, қамоққа олишга санкция бериши даркор.

**Мансур МУСАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди раиси**

# 2008 ЙИЛ — «ЁШЛАР ЙИЛИ»

## «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ҲАМ ТАРМОҚ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

***Вазирлик тизимидаги бошқарма ва муассасалар мазкур тармоқ дастури бўйича ўз йўналишидан келиб чиқиб, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратади:***

1. Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

2. Таълим соҳасида илгари қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

3. Таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш;

4. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг ишга жойлашиши ҳамда меҳнат жамоаларида мослашувига кўмаклашиш чора-тадбирлари;

5. Ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашишига кўмаклашиш;

6. Болаларнинг ижодий иқтидори ва қобилиятини барвақт аниқлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

7. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаши учун муносиб уй-жой ва маиший турмуш шароитларини яратиш;

8. «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш.



## Келажакка эътибор

**1993 йил 4 март**
*«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.*

**1993 йил 23 апрель**
*«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди.*

**1994 йил 13 июнь**
*Вазирлар Маҳкамаси «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштириш комплекс дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.*

**1999 йил 10 июнь**
*Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.*

**2000 йил 25 август**
*Ўзбекистонда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш «Ниҳол» мукофоти жорий қилинди.*

**2001 йил 25 апрель**
*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.*

**2006 йил 14 март**
*Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.*

**2007 йил 18 май**
*Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.*

● Ҳавас

## ОДАМИЙЛИК ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ



**Мен Ўзбекистонга келганимга 7 ой бўлди. ЎзДЖТУ қошидаги тил марказида ўзбек тилини ўрганаяпман. Ўзбек ёшлари қатори мен ҳам сизнинг халқингиз меҳр-мурувватидан баҳра олмоқдаман. Дўстларимдан бу йилни "Ёшлар йили", деб аташганини эшитдим.**

Айнан бу йилга шундай ном берилишининг сабабини ўйлаб кўрдим. Ва албатта, доимо қўли кўксида турадиган, ҳозиржавоб ва одобли ёшлари бор юртнинг кичик авлодини қанчалик тақдирласанг, шунчалик оз, деган фикрга келдим.

Дўстларим "бу йил нафақат ўзбек ёшларининг, балки шу юртда яшаётган ҳар бир ўғил-қизники" деганида, кўнглим ҳаяжонга тўлиб кетди. Бир сўз билан айтганда, мен бу эътиборни — эътироф деб атаган бўлар эдим.

Ўзбекистон ёшларини кузатиб, таҳсин айтган вақтларим ҳам кўп бўлган. Оддийгина метрода ўқишга қатнаётиб, ўзларидан катта ёшдагиларнинг ҳурматини қилиб жой бўшатиб бераётганликларини кўриб, ўзбек оиласида вояга етган ҳар бир инсон катталар ҳурматини ўз жойига қўяди, деб ўйлаганман.

Бундан ташқари, ўқиш жараёнида ҳам тенгдошларим дарсларга жиддий эътибор берганликларининг гувоҳи бўламан. Улар тил ўрганишга жуда қизиқишар экан. Бир гуруҳнинг ўзида бир нечта тилни мукаммал биладиган дўстларим бор. Ўзбекистонга келганимда бу ерларни яхши билмас эдим. Лекин бу юртлик тенгдошларим мени ёлғизлатиб қуйишмади. Уларнинг дўстона муносабатларидан хурсандман.

Ўзбек ёшларининг аҳил-иноқ бўлиб, ҳар бир соҳада фаол иш олиб бораётгани менинг назаримда, таҳсинга лойиқ.

**ЭННИ,**
**Колифорния штати**

## ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ВАТАНИМ



**"Ўзбегим ёшлари" гуруҳи билан Малайзияга қилган сафаримизда малайзиялик тенгдошимнинг юртимиз ҳақида қизиқиб сўрагани, унинг тарихи, маданияти, бой маънавий мероси, халқимизнинг ўзига хос удумлари борасида ҳаяжонланиб гапиргани сира хаёлимдан кетмайди.**

Айниқса, "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи тўғрисида гапириб бера бошлаганимда ҳайратланиб қарагани ва Ватанимизда биз ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, рағбатлар, бир сўз билан айтганда, бизлар учун қилинаётган ғамхўрликлар ҳақида эшитиб: "Ўзбекистон ёшларига ҳавасим келади...", деган эди.

Чиндан ҳам юртимиз бу курраи заминда тараққиёт бешиги саналади. Бугун ҳар биримиз шундай юртда барча соҳада ўзимизни намоён эта олаяпмиз. Хоҳ у спорт бўлсин, хоҳ у санъат бўлсин, тадбиркорликми ёки ҳуқуқшуносликми ва бошқа жабҳаларда жаҳонда бошқалардан ортиқ бўлсак борки, лекин асло кам эмасмиз. Бундан фахрланамай бўладими.

**Гулбаҳор АҲИМБЕТОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори**

● «Конституция — менинг ҳаётимда» танловига

## ОЗОДЛИК НАФАСИ

**Ҳаётда ўз сўзи бўлган инсоннинг қадр-қиммати юксакдир! Аммо сўзи бўлса-ю, сўз эркинлиги бўлмаса-чи? Бу забони бўлиб, гапирмасликка маҳкум қилиниш, мажбурий соқов бўлиб юриш билан баробардир.**

Лекин биз — Ўзбекистон ёшлари истиқлол шарофати туфайли, ўз сўзимиз, ўз эркимизга эга бўлдик. Бу улуғ бахт Бош Қомусимизнинг 29-моддасида ҳам белгилаб қўйилган: **"Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.**

**Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин".** Менимча, мазкур модда аниқ-тиниқ ва лўнда қилиб ёзилган, жумлаларни шарҳлаб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бир сўз билан айтганда, инсоннинг эътиқод ва ўзлик эркинлиги намоён мазкур модда шахс қадриятини тўлиқ ифодалаб турибди.

Истиқлол энг аввало, мустақил изланишга, фикрлашга, атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишга ва ҳаётда ўз ўрнимизга эга бўлишимизга имкон берди. Энг асосийси, бировга қарам эмасмиз, шахсий фикримизга эгамиз.

Мустақиллик ҳақида, эркин яшаш, ҳур фикрлаш ҳақида сўз кетганда, "Болам, сизлар жуда бахтли замонда яшаяпсизлар, — дейди момом. — Чунки сизларнинг йўлингиз очиқ. Бошингизни ҳамиша меҳр билан силаб турган Юртбошимиз бор. У киши ёшларга ўқиш, ўрганиш, ўз қобилиятингизни кўрсатиш учун барча имкониятларни яратиб берган", — дейдилар.

Кўпни кўрган кексалар дилидаги шукроналик бежиз эмас, албатта. Улар бизнинг бахтли-саодатли яшаётганимизни кўриб қувонишади.

Шундай экан, биз яратилган имкониятларни суиистеъмол қилмаслигимиз керак, аксинча, Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида тер тўкишга, мамлакат тараққиёти учун ҳар кун, ҳар соат ҳисса қўшишга масъулмиз.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**талаба**

**"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг бу йилги 1-сони мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилаётган мазкур илмий-маърифий журналнинг ушбу сонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир назарий таҳлиллар акс этган бир қатор қизиқарли мақолалар ўрин олган.**

● Журналларни варақлаганда

# "ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"


ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
1/2008

Унинг ўзбек тилидаги вариантида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти етакчи илмий ходими Дилафруз Бўронованинг "Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшлар" номли мақоласида бугунги кунда ёшлар ва давр муаммолари хусусида атрофлича мулоҳаза юритилган. Гулистон Пардаеванинг "Асосий қонунда кафолатланади" сарлавҳали мақоласида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамиятнинг социал таркибида етакчи куч сифатида намоён бўлаётган ёшларнинг тутган ўрни ҳақида сўз боради. БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакилининг ўринбосари Киоко Постиллнинг "Тарихий ҳужжат" мақоласи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган.

Шунингдек, журналда "Жаҳонда ўлим жазосига муносабат қандай?", Васила Каримованинг "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари ҳимоясида", Маъмура Одилованинг "Ижтимоий ҳимоя — диққат марказимизда", Акмал Саидовнинг "Бебаҳо маданий меросимизнинг фидойи тадқиқотчиси" каби бир қатор қизиқарли материаллар эълон қилинган.

Журналнинг инглизча вариантида Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдукамол Раҳмоновнинг "Ўзбекистон шахсий дахлсизликнинг кафолати", ЎзАА бош муҳаррири Ғулом Мирзонинг "Инсоннинг ҳаёти ва ҳуқуқлари энг олий қадриятдир", Мирзатилла Тиллабоевнинг "Европа Иттифоқининг ҳуқуқи" сарлавҳали мақолалари ҳам чоп этилган. Журналнинг рус тилидаги вариантида "Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси" ОАЖ раиси Шаҳодат Муродованинг "Глобаллашув даврида Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари", Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро филиали раҳбари Шуҳрат Бафоевнинг "Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари", юридик фанлар номзоди, қозоғистонлик олима Заура Аюпованинг "Инсон ҳуқуқлари ва ҳимоясининг кафолатлари", ТДЮИ тадқиқотчиси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибияти етакчи референти Татьяна Моторнюкнинг "Болалар ҳуқуқи мониторинги" сарлавҳали мақолалари журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ч а қ м о қ т о ш

# БАРУХ СПИНОЗА (1632-1677)



**Ҳар бир нарсага мангулик нуқтаи назари билан боқинг.**

***

Инсон донишмандлик ва ҳақиқатни англаш йўли билангина ҳақиқий бахт ва роҳат-фароғатга эришмоғи мумкин.

***

**Қалбларни қурол билан эмас, меҳр-муҳаббат ва олижаноблик воситасида забт этиш мумкин.**

***

Ҳеч ким ўзини ўзи хўрловчи одамчалик ҳасадга мойил бўлмайди.

***

Қўрқув қалб ожизлигининг мевасидир.

***

**Инсонга инсондан яхшироқ наф етказувчи йўқ.**

***

Ҳар қандай аниқлик, чеклаш демакдир.

***

**Биз билимларимиз етишмаслиги важидан нарсаларни тасодиф, деб атаймиз.**

***

Табиатда қусурли нарсанинг ўзи йўқ.

***

**Кўз ёшга ҳам, кулгига ҳам, нафратга ҳам ўрин йўқ, ҳамма нарсани тушунмоқ керак.**

**Саида ЖЎРАЕВА тайёрлади**

TURON BANK

**Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 25 мартдаги қарорига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил 5 март куни Актаев Эркин Ширинбековичга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TS 000336 сонли лицензиясини амал қилиши 6 ойга тўхтатилди.**

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 28 март кунги 2-сонли қарори билан Бердиев Шерали Суярович номига Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 2003 йил 31 мартда берилган SA 000107-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 6 (олти) ой муддатга тўхтатилди.**

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 29 мартдаги йиғилиш қарорига асосан, Қибрай туман давлат нотариал идора катта нотариуси Ҳикматилла Абдуллаевич Юлбарисовнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 2 ой муддатга, Паркент туман хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Т.Муҳаммедовнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 1 ой муддатга, Юқоричирчиқ туман хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус И.Яровнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиш муддати 3 ойга тўхтатилди.**

Адлия вазирлиги жамоаси Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бўлим бошлиғи Мирҳаёт Муродалиевич Назаралиевнинг волидаи муҳтарамаси

**Онархон аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● Жиноят жазосиз қолмайди

# "ҚОРАБАЙИР"НИНГ ҚАЙРИЛИШИ

## ёхуд Хоразмда фош этилган жиноий тўда кирдикорлари хусусида

**Одамлар ўзларига эш бўлган, кимнингдир корига яраб, кимгадир камарбаста бўлаётган инсонларни ҳурмат билан тилга олишади. Бироқ, кейинги йилларда Хоразмда одатга хилоф тарзда бир ном кўп тилга олинадиган бўлиб қолди. Алалхусус, тилга тушган бу ном замирида фахр-ғурур эмас, бироз ҳадик, қўрқув ва яна бироз нафрат туйғулари бор эди.**



Ҳикоя қилинаётган "қаҳрамон" халқ орасида "Худди разбор" лақаби билан танилди. Одамлар тинчгина меҳнат қилаётган, ўқиётган ва фарзанд тарбиялаётган бир пайтда у жиноий гуруҳ тузиб, жамоат хавфсизлигига, инсонлар шахсиятига, иқтисодиёт, ҳокимият бошқарувига қарши ҳаракатлар олиб борди. Натижада, уюшган жиноятчиларнинг йиллар давомидаги кирдикорлари жамоатчиликда қаҳр-ғазаб уйғотди.

1990 йилларнинг бошидан Худойберган Нафуллаев ҳар хил низоли ишларга аралашиб, ўзгалар ҳаётига таҳдид солиб бойлик орттириш орқали жиноят оламининг "обрўси" сифатида ном қозона бошлаган. Дастлаб у вилоят "Матлуботсавдо" уюшмасига қарашли Урганч тумани, Тошҳовуз кўчаси, 1-уй манзилидаги чойхонасига "Қорабайир" деб ном қўяди ва уни "Хоразм тулпори" хусусий корхонасига хусусийлаштиради. Албатта, ўз истагидаги манзилларни забт этиш учун унга кўмакдошлар керак эди. Кўп ўтмай атрофига шерик йиға бошлайди. Унинг маслакдошлари ҳам анойилардан эмас, кимсан Урганч тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Раҳматжон Зоирхонов, "Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси директори лавозимида ишлаб келган Зафар Ботиров, Урганч Давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишлаган Фарҳод Кенжаев, Раҳимбой Давлетов, Неъматжон Нуржонов, "Газсувқувур-351" масъулияти чекланган жамияти директори Атаназар Панаев, "Энергомонтаж" 93-махсус трест шўъба корхонаси бош ҳисобчиси Бахтиёр Худойберганов, "Хоразмпахтасаноат" ҳудудий акционерлик бирлашмаси раиси муовини Алишер Аҳмедов, "Урганчтрансгаз" шўъба корхонасининг масъул раҳбарларидан Баҳрамбек Исмоилов, "Моддий таъминот" МЧЖ директори бўлиб ишлаган Эркин Тожиев, "Қорабайир" фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган Рўзимбой Вапаев, бош ҳисобчи Рўзмат Абдиев, шу номдаги савдо ишлаб чиқариш корхонаси директори Аҳмаджон Саидназаров, "Мавалес" хусусий фармацевтика фирмаси раҳбарлари Валерий Мадаминов, Бекберган Исмоилов ва Ойбек Абдураҳмоновлар.

"Худди разбор" ўз ишининг устасига айланиб кетган бу маслакдошлар кўмагида кўзлаган мақсади сари дадил одимлай бошлади. Тўда бошлиғи орзу қилганидек, "Қорабайир" чойхонаси негизида шу номдаги савдо ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, унинг атрофига Ш.Шеров, С.Рўзметова, А.Саитназаров, Ю.Сапаев, Г.Мадраҳимов ва бошқа кимсалардан иборат уюшган гуруҳ бирикиб, давлат мулкини талон-торож қилиш, товламачилик, кўзбўямачилик каби жиноятлар билан шуғуллана бошлади. Келаётган мўмай даромад Х.Нафуллаевнинг иштаҳасини карнай қилиб юборган шекилли, у 1995 йили "Тулпор-4" хусусий дўконини ташкил этади ва 1996 йилга келиб бу корхона номига Урганч туманидаги 48-автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини хусусийлаштириб, нефть маҳсулотлари ноқонуний савдосига киришади. Яхши одам бирни дўндирар, ёмон мингни тўздирар, деб бежиз айтишмаган экан. Нафуллаев 2001 йили вилоят марказида "Мавалес" фирмасини ҳам ташкил қилиб, унинг қошида бир нечта дорихона очади. Бу ерда ҳам у ўзи ташкил қилган гуруҳ ҳамтовоқлигида хуфёна даромад топиш билан шуғулланди. 2002 йилга келиб Х.Нафуллаев ўз даромадларини янада кўпайтириш мақсадида тажрибали иқтисодчи Юсуп Сапаевни гуруҳига жалб қилади. Шундан кейин унинг қарамоғидаги дўконлар-у, фирма ва корхоналарда савдо қоидаларини бузиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш, жиноий даромадларни легаллаштиришдек ишлар авжга чиқади.

"Худди разбор"нинг укаси Ш.Нафуллаев ўз акасидан ибрат олишни ўзига шараф деб билган шекилли, унинг бошчилигида гуруҳ "Газсувқувур-351" МЧЖ орқали ноқонуний ишларга киришади. Ушбу корхонага А.Панаев расман раҳбар саналган бўлса-да, аслида Х.Нафуллаевга қарамлиги боис, унинг ҳар бир амрини сўзсиз бажарар, шу боис, ғайриқонуний савдо билан шуғулланиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш улар учун оддий ҳолга айланган эди. Мазкур МЧЖ атрофида йиғилган жиноий гуруҳни бошқарган Ш.Нафуллаев акасининг "обрўси"дан фойдаланиб, А.Панаев ва Б.Худойберганов билан бирга корхона ҳамда ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериб, арзон ва сифатсиз маҳсулотларни қиммат нархда қабул қилишга кўндириш, давлат мулкини талон-торож қилиш орқали қўлга киритилган маблағни нақдлаштириб сохта ҳисоботлар тузиш ҳамда уларни давлат назорат идораларига тақдим этиш бўйича яхшигина тажриба тўплайди. 2003 йилга келиб Урганч шаҳрида очилган "Оролқурилиш таъмир" МЧЖ орқали иқтисодий қўпорувчиликлар содир қилиш учун яна укаси Ш.Нафуллаев раҳбар қилиб тайинланган. Х.Нафуллаев жиноий шериги Ю.Сапаев билан бирга вилоят марказида шу йилнинг ўзида "Хоразм континентал" МЧЖни очади. 2002 йили ташкил топган "Шариф ота сервис" хусусий фирмаси ҳамда 2004 йили ташкил қилинган "Жайҳун қурилиштаъмирлаш" МЧЖларда ҳам айнан юқоридаги "сценарий" асосида иш юритади. У.Маттиев, Х.Юлдашов, С.Раҳимов, Ю.Сапаев, Н.Собирова, Г.Мадраҳимов, С.Рўзметова, З.Бекчанов кабилардан таркиб топган жиноий гуруҳнинг фаолияти нуқул давлат мулкини ўмариб, талон-торож қилиш, маблағларни нақдлаштириш, назорат идораларига сохта ҳисоботлар тақдим этишдан иборат бўлиб қолади. Ўзини гўё хон, кўланкасини майдон санаган бу кимса ноқонуний равишда қурол-яроғ сақлашдан, ҳамиша ёнида ўқланган "Макаров" тўппончасини олиб юришдан ҳам тап тортмаган.

Буни қарангки, кутилмаганда "Худди разбор" 1997 йили Урганч туманида ташкил қилинган "Қорабайир" фермер хўжалиги ерларини кенгайтиришни истаб қолди. 2003 йил 12 сентябрда "Қорабайир" чойхонасини янада кенгайтириш учун Шовот каналининг муҳофаза ҳудудидан 1,32 гектар ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида туман ҳокими Р.Зоирхоновнинг 806-сонли қарори қабул қилинади. Пировардида, чойхона ҳудуди 2,32 гектарга етказилади. Бу ерда Х.Нафуллаев ўзи учун ҳашаматли офис, меҳмонхона, ёпиқ бассейн, ҳайвонот боғи ва бошқа ёрдамчи бинолар қурдиради. Уларни хорижда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо жиҳозлар билан безайди. Ички жиҳозлар учун 216 миллион 571.200 сўм сарфланади. Чойхона мажмуаси, асосан жиноий уюшма аъзоларининг дам оладиган қароргоҳи ҳисобланарди. Бу оромижон масканга тез-тез қўниб-ўтиб турадиган Урганч тумани ҳокими Р.Зоирхонов орадан кўп ўтмасдан "Қорабайир" фермер хўжалигига қўшимча равишда "Бегомот" ширкат хўжалиги ҳудудидан 95,1 гектар ер майдонини ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилиб, ўз саҳийлигини яна бир бор кўрсатди. Бунинг учун на тендер танлов, на комиссия хулосаси лозимлиги инобатга олинди. Ҳамиша нафси ҳакалак отиб турадиган Х.Нафуллаевнинг топшириғи билан мазкур фермер хўжалигида ҳам Р.Вапаев томонидан жуда кўп жиноятлар содир қилинди. Жумладан, 2006 йили 45 гектар ер майдонига режадан ташқари, бошқа экинлар экилди, 81 тонна пахта хомашёси етиштирилмай қолинди. Оқибатда, давлат манфаатларига 20 миллион 655 минг сўмлик моддий зарар етказилади. Бунда, албатта Урганч туман давлат солиқ идораси бошлиғи лавозимида ишлаб келган Р.Нафуллаевнинг ҳам ҳиссаси бор.

Р.Зоирхонов кейинчалик ҳам бу уюшма талабларини оғишмай қондиришга ҳаракат қилиб келди. Жумладан, туман ҳудудидаги "Шарқ" хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли дорихона биносини ажратишда ҳам ўз билганича иш тутди. Х.Нафуллаев эса "Қорабайир" фермер хўжалиги "эҳтиёжлари" йўлида 2005 йил 30 июнидан 2006 йил 14 июнигача ўғирликча 17 миллион 250 минг сўмлик электр энергияси ишлатган. Хуллас, Х.Нафуллаев топшириғига биноан амалга оширилаётган жиноий ҳаракатларнинг кети узилмади. 2004 йилга келиб "Қорабайир" савдо ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда шу номдаги фермер хўжалиги билан ҳамкорликда бўлган "Хоразмпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раҳбари О.Иброҳимов қўл остидаги "Моддий таъминот" МЧЖ раҳбари Э.Тожиевлар иштирокида 40 миллион 835 минг 300 сўмлик мулк ўзлаштириб юборилади. Бундан ташқари, 2005 йил 31 январдаги уч томонлама шартномага кўра, варақ фактураларда маҳсулотлар нархини қалбакилаштирадилар. Пировардида, нарх сунъий равишда оширилиб, маҳсулотлар қиммат нархда топширилади ва давлатнинг 36 миллион 985 минг 400 сўмлик мулки гумдон қилинади. Биргина 2003-2006 йиллар мобайнида бу гуруҳ чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланиб, жами 124 миллион 922 минг 700 сўмлик маҳсулотларни сотиб юборишади. Х.Нафуллаевнинг топшириғига кўра, "Қорабайир" корхонаси директори Ш.Шеров, А.Саитназаров, бош ҳисобчи С.Рўзметова ва бошқалар уюшманинг иқтисодий ташкилотчиси Ю.Сапаевнинг қўллаб-қувватлаши натижасида "Элтекс" АЖ ва "УНИХО" қўшма корхоналарида олиб борган "операциялари" туфайли савдодан тушган 184 миллион 16 минг 400 сўм пул маблағлари назорат касса машинасидан ўтказилмасдан ва инкасса қилинмасдан хуфёна иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга сарфланган. Устига устак бу тўда ўз корхонасининг ҳашаматли мажмуасини иситиш ва ошхонани газ билан таъминлаш мақсадида магистрал газ тармоқларига ноқонуний равишда уланишган. Маълум бўлишича, "Қорабайир" корхонасининг бу борада давлатга етказган зарари 8 миллион 731 минг 400 сўмни ташкил қилади.

Х.Нафуллаев жиноий уюшмаси доирасига "Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси раҳбарларини ҳам тортади. Уларда ҳам ўзининг хуфёна иқтисодий кирдикорларига мойиллик уйғотиб, ўзаро келишган ҳолда, кўп миқдордаги товар-моддий бойликларни қалбаки ҳужжатлар тузиб, меъёрий нархларни сохта равишда оширган ҳолда "Урганчтрансгаз" корхонасига топширадилар. Бунинг натижасида жами 106 миллион 995 минг сўмлик давлат мулки талон-торож қилиб юборилади.

Биз юқорида келтирган мисоллар, факт ва рақамлар Х.Нафуллаев бошчилигидаги жиноий гуруҳ содир этган жиноятларнинг бир қисми, холос. Х.Нафуллаев кирдикорлари, эҳтимол, детектив қиссаларга мавзу бўлиши мумкин. Унинг қилмишлари, балки кимларгадир, эртакдек туюлар. Аммо хоразмликлар жамиятимизда инсонлар ҳаётига, жамият ва давлат манфаатига кўз олайтирган бадният кимсалар кирдикорларига яраша, албатта, жазо олишига яна бир бор амин бўлишди. Бунинг исботи тариқасида ЖИБ Тошкент шаҳар суди ЖИБ Хоразм вилоят суди биносида очиқ сайёр суд ўтказиб, тергов ҳужжатлари, далилий ашё ҳамда гувоҳлар ва судланувчилар кўрсатмаларини ўрганиб чиқиб, ўз ҳукмини эълон қилди.

Унга кўра, Х.Нафуллаев 20 йил, Р.Зоирхонов, Ф.Кенжаев, Э.Тожиев, Р.Давлетов, Б.Худайберганов ва Н.Нуржоновлар 16 йилга, О.Абдураҳмонов 15 йил, З.Ботиров 13 йил, А.Панаев ва А.Аҳмедовлар 17 йилга, Р.Вапаев, А.Саитназаровлар 11 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Жиноий уюшманинг қолган аъзоларига ҳам, уларнинг фаолият давомидаги умумий ҳаракати ўрганиб чиқилиб, қилмишларига яраша жазо тайинланди.

**Ёрқин ХОЛМАТОВ**

Манба: Region.uz

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Маматов Шоди Суюнович
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 12988. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99.

1 2 3 4 . 6 7 8